МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 20 август,
№69 (1036)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

## Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари

*ПЕКИН. 19 август. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 19 август куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилди. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига, Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий тараққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар, аввало, Ислом Каримов ва Си Цзиньпин ўртасидаги дўстлик, мустаҳкам ишонч негизида, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида тараққий этмоқда.

Бу икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтаришнинг янги имкониятларини очиш ва ишга солиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг барча соҳалардаги салоҳиятини тўла юзага чиқариш борасида фикр алмашиб келаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ сармоявий лойиҳани амалга оширишга қаратилган умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзоланган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойидаги Ўзбекистонга ташрифи доирасида яна 15 миллиард долларлик лойиҳаларни кўзда тутувчи 31 ҳужжат имзоланди.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити доирасида Шанхай шаҳрида ҳам учрашдилар.

Бу галги ташрифнинг асосий воқеалари 19 август куни бўлиб ўтди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон томони Хитой раҳбарияти билан ҳар бир учрашувни юксак қадрлашини, бугунги музокаралар олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Си Цзиньпин Ўзбекистонни Хитойнинг ишончли шериги деб билишини, икки томонлама ҳамкорлик узоқ муддатлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланаётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

ШҲТ доирасидаги муносабатлар, ушбу тузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ўзаро муносабатларнинг муҳим бўғини эканини инобатга олган ҳолда, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш, савдо ва инвестицияга оид кўрсаткичларни юксалтириш, энергетика, нохомашё, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпин музокарани Ўзбекистон ва Хитой расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

(Давоми 2-бетда).

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР





## Ҳамжиҳатлик, ободлик ва хайру саховат

**Ушбу эзгу тушунчалар умумхалқ хайрия ҳашарининг асосини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг 16-17 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди**

**Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Шу боис айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида турмушимизга хос озодалик, орасталик ва ободлик ишлари кенг қулоч ёзган.**

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

**«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»** эзгу ғоясига уйғун тарзда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари истиқлол туфайли эъзоз топган миллий қадриятларимиздандир. Айниқса, икки муҳим сана — Наврўз айёми ҳамда Истиқлол шодиёналари арафасида ташкил этилаётган ҳашарлар халқимизни ягона мақсад атрофида жипслаштириб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

> [2]

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

## Масъулиятни ҳар ким, ҳар лаҳзада ҳис этади

**«Исломобод» Андижон шаҳридан 7 чақирим масофада жойлашган. Озроқ юрсангиз, кўм-кўк дарахтзор орасидаги «Боғишамол» дам олиш оромгоҳига борасиз. Отчопар адирларидан эсган шабада маҳаллага ҳаловат, ором улашаётгандай.**

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

Гўшадаги ободлик ва фаровонлик мустақиллик берган улуғ неъматдир. Истиқлол туфайли қишлоқ ҳунармандларининг бағрига офтоб тегди, ер ўз эгасини топди. Одамлар чин маънода эмин-эркин, тинчлик-осойишта ва ўз меҳнати ҳузурини кўришдек қувончдан баҳраманд.

Дастлаб Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ бир янгиликни айтиб ўтсак: «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг вилоят босқичида мазкур маҳалла ғолибликни қўлга киритди.

Хўш, маҳалла қандай ибратли ишлари эвазига бундай муваффақиятга сазовор бўлди? Албатта, ҳар бир ҳудуднинг кўрк-тароватини ўша ердаги озодалик, саранжом-саришталик ва бунёдкорлик ишлари билан баҳоланади. Мустақиллик йилларида «Исломобод» таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аввалги пастқам, пахса деворли уйлар ўрнида ўтган йилнинг ўзида 57 та намунавий лойиҳадаги тураржой қуриб битказилди.

> [3]

ЗАМОНАВИЙ ГУЗАРЛАР

## Обод ва фаровон турмуш кўзгуси

**Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 23 йиллик шодиёналари арафасида Фарғона туманидаги Чекшўра қишлоқ фуқаролар йиғинининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

■ **Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Бугун Фарғона воҳаси улкан бунёдкорлик майдонига айлангани рост. Вилоятимизда намунавий лойиҳа асосидаги янги уйларни қуриш кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган йили биргина Чекшўра фуқаролар йиғинида 137 та янги уй-жой барпо этилиб, ҳовли тўйлари ўтказилганди. Жорий йилда эса намунавий лойиҳа асосида қурилган 35 та ҳовли байрам арафасида эгаларига топширилади.

«Обод турмуш» маҳалласи ҳудудида қад ростлаган янги гузарда аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун барча зарур шароит яратилган. Бу ерда гўшт, сут ва озиқ-овқат дўкони, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, гўзаллик салони, банк шохобчаси, новвойхона, тантаналар зали, болалар майдончалари барпо этилди.

> [2]



НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

## Услубий-амалий кўмак ҳар кунги юмушга айланган

**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Энг намунали бўлинмаси» танлови Қашқадарё вилояти босқичида Китоб тумани бўлинмаси ғолибликни қўлга киритди.**

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

— Танлов ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг уч йиллик фаолиятини ўрганиб чиқишди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассиси Шавқиддин Каттабобоев. — Ҳужжатларнинг юритилиши, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, профилактик тадбирлар ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси холисона баҳоланди. Барча шартлар бўйича Фонднинг Китоб тумани бўлинмаси энг юқори балл тўплади.

Бўлинма биносида ходимлар учун барча шарт-шароит яратилган: компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари иш унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир фотокўргазмалар, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга оид маълумотлар маҳалла фаолларига қўл келаётир. Шунингдек, тумандаги ўз биносига эга барча фуқаролар йиғинлари мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминланди.

> [2]

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

## Омилкорлик — ютуқлар асоси



**Мустақиллик барча соҳа ходимлари қатори деҳқонга ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Билдирилган ишончга муносиб жавоб қайтариш, деҳқончилик билан ҳам элимиз, ҳам оиламиз дастурхонини тўкин қилиш ниятида 2010 йили «Севолтепа равнақи» фермер хўжалигини ташкил қилгандик.**

■ **Абдураззоқ РИЗАЕВ,**
**Кармана туманининг Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Севолтепа равнақи» фермер хўжалиги раиси.**

Яқинда Юртбошимизнинг республика ғаллакорларига йўллаган табрикларида намунали фермерлар қаторида тилга олинганимиз бизга чексиз қувонч бағишлади. Кўп йиллик меҳнатимиз самарасидан кўксимиз фахрга тўлди.

Ўтган йили пахтачилик ва ғаллачиликда яхши натижаларни қўлга киритдик. Жорий йилда ҳам юқори ҳосилдорликка эришиш ниятидамиз. 55 гектар майдонга буғдой экдик. Ўз вақтида қилинган парвариш ва ерга берилган меҳримиз туфайли шартномани ортиғи билан бажардик. Бу муваффақият 57 нафар хўжалигимиз ишчисининг ҳалол ва фидокорона меҳнати натижаси.

> [3]

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

## Водийнинг пешқадам жамоалари сараланди

**«Футболимиз келажаги» кубоги минтақавий республика босқичи мусобақасининг энг сўнгги — «Д» гуруҳи ўйинлари Наманган шаҳрида ташкил этилди.**

■ **Ф. КОМРОН.**

Гуллар шаҳрида жойлашган «Баркамол авлод» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионларида ўтган минтақавий босқич мусобақаларида Андижон, Фарғона ва мезбон вилоятнинг 9-10, 11-12 ёшдаги болалар ва 13-14 ёшдаги ўсмирлари ўзаро беллашди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 37-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Дастур асосида ташкил этилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Наманган вилояти ҳокимлигининг жорий йил 1 августдаги чора-тадбирлар режасига асосан ўйинларга алоҳида тайёргарлик кўрилди.

> [4]




■ УзА олган сурат.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

# Водийнинг пешқадам жамоалари сараланди



■ ЎзА олган сурат.

< [1]

— Футбол байрами барча шарт-шароитларга эга стадионда ўтказилгани билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди, — дейди Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси, мусобақани ўтказиш мандат комиссияси республика ташкилий қўмитаси масъул котиби А.Азизов. — Унда Ўзбекистон футбол федерацияси масъулларидан иборат ҳакамлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг иштироки таъминланди. Айниқса, мусобақанинг расмий очилиш маросимига ҳамкор ташкилотлар — вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари қисми, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Ўзбекнаво» вилоят бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲнинг вакилларидан иборат меҳмонларнинг қатнашгани ёшларга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади.

Дарҳақиқат, «Маҳалла мурувватн» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимларида майдонга тушган ёш футболчиларнинг ўйинлари томошабинларни бефарқ қолдирмади. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан уюштирилган футбол мусобақалари голларга бой бўлди, йиғилганларга завқ-шавқ улашди. Хусусан, унда наманганлик ёш футболчиларнинг қўли баланд келиши вилоятда миллионлар ўйинига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси бўлди.

9-10 ёшдаги болалар ўртасида муросасиз кечган ўйинларда Бағдод туманининг «Самарқанд» маҳалласи ёш футболчиларига тенг келадигани топилмади. Балиқчи туманининг «Оққўрғон», Тўрақўрғон туманидаги «Бирлашган» маҳалласи жамоалари қолган ўринларни банд этди.

11-12 ёшлилар ўртасида Тўрақўрғон тумани «Чустқўприк» маҳалласи футбол жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. 2-ўринни Тошлоқ тумани «Ахшак» маҳалласи вакиллари эгаллади. Шаҳрихон туманидаги «Бешмаҳалла» маҳалласининг ёш футболчилари 3-ўрин билан кифояланди.

13-14 ёшдаги ўсмирлар ўртасидаги учрашувларда Наманган шаҳридаги «Умид» маҳалласининг ёш чарм тўп усталари ғолибликка эришишди. 2-ўрин Ёзёвон тумани «Наврўз» маҳалласидан келган футболчиларга насиб этди. Андижон шаҳридаги Ал-Бухорий номидаги маҳалла футбол жамоаси 3-ўринга лойиқ кўрилди.

Шу билан бирга, турли ёш тоифаларида ўтган ўйинлар натижаларига кўра, «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши дарвозабон» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Бир сўз билан айтганда, Бағдод тумани «Самарқанд», Тўрақўрғон тумани «Чустқўприк», Наманган шаҳри «Умид» маҳалла жамоалари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди. Энди мазкур жамоалар аъзолари ўз ёшлари бўйича бошқа ҳудудий босқич ғолиблари билан куч синашадиган бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дарвоқе, ўзининг гўзал ҳусну тароватини кўз-кўз қилаётган, замонавий ва мафтункор бино-ю иншоотлари билан тилга тушган гуллар шаҳри бўйлаб уюштирилган сайру саёҳат ва ундан олинган олам-олам завқ ва таассурот мусобақа иштирокчилари хотирасида бир умрга муҳрланди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# Соғлом ва саодатли болажонларга туҳфа

**Эзгуликни, маҳалладошларига кўмаклашишни умрининг мазмуни, деб биладиган юртдошларимиз талайгина. Мирзо Улуғбек туманидаги «Олимлар» маҳалласида умргузаронлик қилаётган 81 ёшли нуроний Эркин Каримовни шундайлардан десак янглишмаймиз. Чунки у доимо маҳалладошлари қувончу ташвишларига шерик. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ҳududдаги «Ғунча» номли 145-мактабгача таълим муассасаси тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.**

■ **Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

— Ўзбекистон Фанлар академияси маҳалла ҳудудида жойлашган. Бу ерда, асосан, олимлар, зиёлилар истиқомат қилади. Шу боис маҳаллага «Олимлар» номи берилган, — дейди профессор Э.Каримов. — Ҳудудимиздаги «Ғунча» мактабгача таълим муассасаси фаолияти бироз сустлашгани сабабли тарбияланувчилар сони 20-30 нафарга тушиб қолганди. Шу боис муассасани ёпиш масаласи кун тартибига қўйилганда маҳалла фаоллари бирикиб уни сақлаб қолишга эришдик.

Бу муаммога ечим топишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эргашқўзи Отақўзиев ва маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойдин Ҳайдарова Эркин отага кўмак беришди. Фаолларнинг изчил ҳаракати туфайли мактабгача таълим муассасини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан 1 млрд. 59 миллион сўм маблағ ажратилди. Фаоллар қурилиш-реконструкция ишлари давомида ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. Тендерда ғолиб бўлган «Планшет» қурилиш фирмаси жамоасининг ишини назоратга олишди. 2012 йилнинг декабрида бошланган таъмирлаш ишлари мустақиллигимиз шодиёналари арафасида якунига етди.

Бугун мактабгача таълим муассасаси ҳавас қилса арзигулик обод гўшага айланган, тарбияланувчилар сони эса, 220 нафарга етди.

— Муассасамизда болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида инглиз тили, гимнастика, хореография, қўғирчоқ театри ҳамда «Зумрадойлар давраси» тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди, — дейди 145-мактабгача таълим муассасаси мудираси Светлана Дадажонова. — Бу машғулотлар 8 нафар олий маълумотли тарбиячи томонидан олиб борилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарбиячимиз Мухтабар Абдуқодирова «Йилнинг энг фаол тарбиячиси» республика кўрик-танловининг туман босқичида 2-ўринни қўлга киритди. Ўйлаймизки, яратилган шарт-шароитлар самараси ўлароқ, болажонларимиз ва педагогларимиз ютуқлари янада ортиб бораверади.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ушбу масканнинг ўқув ва ётоқхоналаридаги шарт-шароитни кўриб кўзингиз қувнайди. Гуруҳларнинг ёзги шийпончалари ёнидаги кичик фавворалар ҳаво мусаффолигини маромида сақлаб туради. Бино ҳовлисида болалар майдончаси, аттракционлар ва ҳовуз бунёд этилди. 400 дан зиёд мевали ва манзарали дарахт, 500 туп гул кўчатлари барқ уриб турибди.

Эркин ота бизни бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан таништирар экан, муассаса маҳалла аҳлига, хусусан, болажонларга Соғлом бола йилига муносиб туҳфа бўлганини қувонч билан таъкидлади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК

*қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:*

*миллий валютада:*

**«БАРАКАЛИ»**

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади

**«ИМТИЁЗЛИ»**

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

*хорижий валютада:*

**«ШОДИЁНА»** (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1»** (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

***Шу билан биргаликда, «Асака» банк 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.***

***Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

**Сизнинг омонатларингиз:**

**— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
**— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
**— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
**— миқдори чекланмаган!**

**«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!**

Хизматлар лицензияланган

«МАЪНАВИЯТ ЭҲСОНИ»

# Миллий анъаналар тарғиботи

**Янгийўл туманидаги «Қирсадақ» маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Маънавият эҳсони» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

■ **Раҳим ШЕРҚУЛОВ «Mahalla»**

Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, педагог, психолог, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирокидаги тадбирда кўп асрлик миллий анъаналаримиз, юртимиз мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бундай учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди маҳалла раиси Очил Баратов. — Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, жумладан, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.




## Қўшма машқлар старт олди

**Жанубий Корея ва АҚШ ҳарбийлари ҳар йили ўтказиладиган қўшма ҳарбий машқларни бошлаб юборишди.**

«Ренхап» агентлиги маълумотига кўра, машқлар икки ҳафта давом этади. Уларга 50 минг нафар жанубий кореялик ҳамда 30 минг нафар америкалик ҳарбий жалб қилинди.



Шимолий Корея ҳукумати қўшма машқларни ядровий уруш сифатида баҳолаб, унга «аёвсиз огоҳлантирувчи зарба» бериш билан жавоб қайтариши тўғрисида баёнот берди.

Илгарироқ расмий Пхеньян машқларни ҳарбий ҳаракатга тайёргарлик, дея эълон қилиб, учта қисқа масофага мўлжалланган ракетани Япон денгизига қарата отиб, синовдан ўтказганди.

## Ер силкинди

**Эроннинг Ироқ билан чегарадош ғарбий ҳудудида кучли зилзила содир бўлди.**

«Agence France-Presse» хабарига кўра, магнитудаси 6,3 баллни ташкил этган ер ости силкинишининг эпимаркази Абданон шаҳридан 36 километр узоқликда, ернинг 10 километр қаърида бўлган.

Табиий офатдан жабр кўрганлар ва вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ.

Эронда энг сўнгги ер силкиниши ўтган йил апрель ойида кузатилганди. Ўшанда 7,8 балли зилзила оқибатида қўшни Покистон билан қўшиб ҳисоблаганда 40 нафар киши ҳаётдан кўз юмганди.

## Беморлар касалхонадан қочди

**Либерия пойтахтидаги Эбола безгаги билан оғриган беморлар ётган тиббий изоляторга қуролли шахслар ҳужум қилган.**

«Agence France-Presse» хабарига кўра, ҳужум оқибатида безгакни юқтирган 29 нафар бемордан 17 нафари қочган. Маълумотларга қараганда, ҳужум пойтахтнинг бошқа ҳудудларидан беморларни мазкур муассасага келтирилишига норозилик сифатида амалга оширилган. Бошқа тахминга кўра, бу билан айримлар безгакни ўйлаб топилган касаллик, дея мазкур касалхонани ёпишни талаб қилган.




Сўнгги маълумотларга қараганда, Эбола безгаги билан 2127 нафар киши оғриган, 1145 нафар бемор эса ҳаётдан кўз юмган.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Нашр кўрсаткичи: 148** | **20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-676** | **Топшириш вақти — 21.00** | **Топширилди — 21.00**

# Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз эса дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсон ҳаётининг эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада ана шундай узоқ тарихга эга иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳозирги замон руҳи ва талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканини қайд этиш жоиз. Хусусан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 482 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг етмишдан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 74 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Хитой Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт суръатларини юксак баҳолашини ҳамда юртимизда иқтисодиётнинг янги юқори технологияли тармоқларини яратиш ва ривожлантиришга, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

Олий даражадаги келишувларга биноан, 2013 йилда «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки ташкил этилди. Бу ерда мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри сармояси иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг кўлами нақадар кенг эканини ёқилғи-энергетика мажмуи ҳам яққол намойиш этади. Хитойнинг қатор компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини топиш ва ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда. Икки мамлакат ҳам Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи «Марказий Осиё — Хитой» газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа, деб билади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Мазкур йўналиш 124 километрлик электрлаштирилган Ангрен — Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. 2013 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида Қамчиқ довонидан туннел орқали ўтадиган «Ангрен — Поп» темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа 19 километрлик темир йўл туннели қуришни кўзда тутади. Айни пайтда линиянинг 60 километрдан кўпроқ қисми қуриб битказилган.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки сингари молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошади. Улар соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган VI жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилди.

Ўзаро маданий-гуманитар муносабатларни мустаҳкамлашда «Ўзбекистон — Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. 2013 йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари» бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтадиган барча йирик маданий тадбирларнинг доимий иштирокчиларидир. Хусусан, Хитой санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқда.

Таълим соҳасида ҳукуматлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШҲТ доирасида ХХР ҳукумати 2013-2014 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ўтган йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига хитойлик сайёҳларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF — 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Навоий ва Чжучжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан провинцияси, Самарқанд вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида техникавий-иқтисодий, энергетика, юқори технологиялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Си Цзиньпин бўлиб ўтган музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг ёндашув ва қарашлари ўхшаш ва яқинлигини таъкидладилар. Эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Томонлар ушбу ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихидан яна бир муҳим босқич сифатида жой олишини таъкидлар экан, олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

■ ЎзА

НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

## Услубий-амалий кўмак ҳар кунги юмушга айланган

< [1]

Бундан ташқари, бўлинма фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг тартиб билан юритилгани барча ишлар намунали ташкил этилганидан далолатдир. Бўлинмада фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда масъул котиблар билан ўқув-семинарлари ўтказиш анъанага айланган. Ҳар ойда фуқаролар йиғинлари фаолияти таҳлил этилиб, илғор тажрибалари оммалаштирилади.

— Энг намунали, деб топилган фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда ўқув-семинарлар ўтказилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Китоб тумани бўлинмаси бош мутахассиси Дилфуза Қодирова. — «Қайнарбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган семинарда Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия фаолияти ўрганилди. Комиссия фаолияти яхши йўлга қўйилганлиги сабабли ўтган уч йил давомида фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар ўртасида бирорта ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси фаолияти намунали, деб топилиб, тажрибаси оммалаштирилди. Комиссия аъзолари олиб борган тарғибот ишлари натижасида тўйлар ва маъракалар камхарж ўтказиляпти. Комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракати самараси ўлароқ, ҳудудда 3 йил давомида нотинч оила рўйхатга олинмаган.

— Ҳар бир кунимиз, қувонч ва ташвишимиз маҳаллалар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди бўлинма раиси Жаббор Раҳмонов. — Маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлиги, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга кўмаклашиш зиммамиздаги залворли вазифалардан. Ҳали олдимизда бажаришимиз зарур бўлган ишлар кўп. Шу боис фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмак беришга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича ҳам бўлинма томонидан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оилалар даромадини ошириш, аҳолини кичик бизнес ва тадбиркорликка йўналтириш, бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича самарали натижаларга эришиляпти. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ҳар чоракда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилиб, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар қатъий тартибда текширувдан ўтказилади. Айниқса, тоғли ҳудудлардаги аҳоли учун махсус кўчма тиббий кўриклар уюштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Китоб тумани бўлинмаси томонидан кўрсатилаётган услубий ва амалий кўмак туфайли фуқаролар йиғинлари аҳолининг чинакам таянчи ҳамда суянчига айланиб бормоқда.



ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

## Ҳамжиҳатлик, ободлик ва хайру саховат



< [1]

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури тадбирларига уланиб кетган бу галги умумхалқ хайрия ҳашарида фуқаролар йиғинлари фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари, ёшлар кўмагида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, умумхалқ хайрия ҳашари республика ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари Долли Аллаев. — Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган 17 ярим миллион нафарга яқин ҳашарчининг ғайрат-шижоати билан 38 минг гектарга яқин майдонда ободонлаштириш ва тозалик ишлари бажарилиб, 24750 километр сув йўллари — ариқ-зовур ҳамда лотоклар тозаланди. Бундан ташқари, 1101 та зиёратгоҳ ва 8943 та қабристон ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. 16058 та махсус техника воситалари ишга солиниб, қарийб 57594 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга ташиб чиқарилди. 17 миллион тупдан зиёд дарахтга шакл берилиб оқланди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз кексаларга алоҳида меҳр кўрсатилди. Истқилол байрами арафасида эҳтиёжманд фуқароларга, кўп фарзандли оилаларга, етим-есирларга, ногирон ва ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Хайрия тадбирларида 17 813 та оиланинг 561 953 $м^2$ уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 20 119 та эҳтиёжманд хонадонга моддий кўмак берилди, 6 612 нафар ногирон ва якка-ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олинди. Ушбу мақсадларга 3 миллиард 378 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Фонд ҳамда ҳомийлар кўмагида хайрия тадбири давомида қорамол ва парранда тарқатилгани туфайли кўплаб эҳтиёжманд оилаларга барака инди. Ҳадя этилган ортопедия жиҳозларидан жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қувонтирди.

Ҳашар кунлари янги ижтимоий объектлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини, хусусан, фуқаролар йиғинларининг биноларини, спорт майдончаларини фойдаланишга топшириш анъанага айланган.

— Хайрия тадбирлари муносабати билан воҳада кўплаб иншоотлар ишга туширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Олтибой Ражабов. — Хусусан, Урганч шаҳридаги «Феруз», «Жингавуз», «Байналмилалчи», «Гулчилар», «Олма-боғ» ва «Кўҳнақалъа» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари замонавий ҳамда миллий меъморчилик андозалари асосида қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги биноларга кўчиб кирган маҳалла фаоллари яратилган шарт-шароитдан мамнун.

Ҳашарлар арафасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун, Бухоро туманидаги Работиқалмоқ, Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Жондор туманидаги «Довуд» маҳалласининг хизмат биноларини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун 301 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Андижон шаҳридаги «Буюк Турон» маҳалласи биносини реконструкция қилиш учун 15 миллион, Асака туманидаги «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» маҳаллалари биноларини таъмирлаш учун эса 20 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳашар муносабати билан фойдаланишга топширилаётган спорт майдончаларида болажонлар мириқиб дам олишади, қувнаб ўйнашади. Галдаги хайрия тадбири Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-сонли ва 5-сонли, Нукус шаҳридаги «Навбаҳор», «Гулзор», «Хива йўли» маҳаллаларида улғаяётган кичкинтойлар учун унутилмас воқеаларга бой бўлди: ҳудуддаги спорт майдончалари таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, Андижон вилояти Хўжаобод тумани «Узункўча» ва Олтинкўл тумани «Марказ» маҳаллалари ҳудудидаги спорт майдончаларини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун Фонд ҳисобидан 21,9 миллион сўм, шунингдек, Жиззах тумани «Учтепа» маҳалласидаги спорт майдончасини таъмирлаш учун 25 миллион сўм, Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Фарҳод» маҳалласидаги майдончани таъмирлаш учун эса 5,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Фарғона вилояти Риштон тумани Алишер Навоий номидаги ҳамда Ўзбекистон тумани «Яйпангузар» маҳалласи ҳудудидаги болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилгани ёшларга чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Умумхалқ ҳашари доирасида амалий ишлар қатори маҳаллаларда фаоллар, нуронийлар, зиёлилар ва тегишли соҳа мутасаддилари томонидан аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш, тозалик ва озодаликка, санитария талабларига риоя этиш, ўзаро муносабатларда меҳр-оқибатли ва мурувватли бўлиш ҳақида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, хайрия ҳашари муносабати билан барча корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобига ўтказилди. Ушбу маблағлар йил давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашга, хусусан, эҳтиёжманд юртдошларимизни, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга, Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалар ҳамда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Бир сўз билан айтганда, умумхалқ хайрия ҳашари туфайли юртимиз шаҳар, қишлоқлари катта тўйга муносиб тарзда байрамона безатилди. Одамлар кайфиятида ҳам кўтаринкилик, тинчосойишта ҳаётдан, эл-юрт манфаати йўлидаги фидойи меҳнатдан розилик, шукроналик сезилиб турди. Ҳашар якунланган бўлса-да, мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этмоқда. Демак, эзгу ишлар салмоғи янада ортади.

ЗАМОНАВИЙ ГУЗАРЛАР

## Обод ва фаровон турмуш кўзгуси

< [1]

— Шинам уйларга кўчиб кирганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди хонадон соҳибаси Мастурахон Камолова. — Уй-жойларга ярашиб турган янги маҳалла гузари фаолиятидан мамнунмиз. Рўзғор учун зарур нарсаларни шу ернинг ўзида харид қиляпмиз, нархи арзон, сифати юқори.

Истиқлол йилларида шаҳару қишлоқлар, маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш, барча қулайликларга эга замонавий гузарлар қуриш борасида кенг кўламли ишлар юрт ободлиги, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Бувайда туманидаги Бувайда қишлоқ фуқаролар йиғинида фойдаланишга топширилган маданият ва дам олиш маскани маҳалла аҳлининг, айниқса, ёшларнинг севимли масканига айланди. Собиқ маданият саройи негизида капитал таъмирланиб, янги қиёфа касб этган мажмуада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш учун барча имконият яратилган. Айни пайтда маҳалла гузарида истиқлолни тараннум этувчи турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда, унга яқин фан ва санъат тўгараклари ишлаб турибди.

— Қаровсиз бинони қайта таъмирлаш учун 400 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, — дейди Бувайда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдураззоқов. — Барчанинг ҳавасини келтираётган бу муҳташам бино дам олиш ва маданият масканига айланди. Бу ерда маҳалла ҳаётини қамраб олган турли кўрик-танлов, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Айни пайтда «Устоз—шогирд» анъанаси асосида ҳунармандчилик тўгараклари ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Ёзёвон туманидаги Қатортол қишлоғида фойдаланишга топширилган Маданият маркази фаолиятидан эл мамнун. Марказда маҳалла ёшлари анъанавий хонандалик, тасвирий санъат, хореография, ўлкашунослик, бадиий гимнастика сингари йўналишлар бўйича таълим олмоқда.

— Қутлуғ байрам арафасида Учкўприк туманидаги «Ҳасанқора» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам янги гузар фойдаланишга топширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Йиғин ҳудудида ўзгача кўрк ва салобат касб этиб турган гузарда маҳалла аҳли кундалик эҳтиёжи учун керакли озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилади, маиший хизмат ва сервис тармоқларидан фойдаланади. Шунингдек, байрам кунларида маҳалла фуқаролар йиғинларида янги спорт мажмуалари, маҳалла идоралари бинолари қурилиб ишга туширилляпти. Мавжудлари таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Эътиборлиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда 91 та замонавий маданият ва дам олиш маркази барпо этиш режалаштирилган. Ҳозиргача вилоятда 18 та маданият ва дам олиш маскани фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, жорий йилда Фарғона вилоятидаги 23 та қишлоқ массивида 927 та уй-жой қуриш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Демак, яна янгидан-янги маҳалла гузарлари бунёд этилаверади.

АНЖУМАН

# Тадбиркорлар ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояда

**Юртимизда тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тадбирлари сонини чеклаш ҳамда қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш борасида кўламли ишлар бажарилмоқда.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Бу эса қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унга ишончли кафолатларни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган «Иқтисодиётда тадбиркорлик тараққиёти ҳамда инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги анжуманда айни шу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр юритилди.

Тадбирда таъкидланганидек, қонунчилик базасини мустаҳкамламасдан тадбиркорликни тараққий эттириш ва инвестициявий имкониятларни кенгайтиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Сўнгги йилларда қабул қилинган аксарият қонун ҳужжатларида айнан «ишбилармонлик муҳити» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Мазкур тушунча ўзида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олишдан тортиб тугатишгача бўлган бутун бир жараённи қамрашини инобатга оладиган бўлсак, унинг ўзи бу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмунан кенглиги ҳамда аҳамияти жиҳатидан муҳимлигини кўрсатади.

Хусусан, ўтган йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайиши, уларнинг фаолиятида, айниқса, солиқ тўлаш соҳасида қулай шарт-шароит ва имкониятлар эшигини очди.

Анжуманда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенгроқ эркинликлар беришга оид қонунчиликнинг такомиллашуви самарали давом этаётгани алоҳида қайд этилди. Бунинг ёрқин исботи сифатида Юртбошимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони соҳа ривожида янги босқични бошлашга асос бўлаётгани таъкидланди.

— Мазкур фармонга кўра, ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди, — дейди Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов. — Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилган. Бундан ташқари, 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Интерактив давлат хизматлари ягона порталида махсус «тадбиркорлик субъектининг кабинети»ни жорий этиб, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш йўлга қўйилади.

Тадбирда тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида адлия органлари томонидан тадбиркорликка, шунингдек, хорижий инвестицияларга оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг 529 та ноқонуний қарори бекор қилинди. Қонунчилик имтиёзлари юзасидан жойларда манфаатдор идоралар ҳамкорлигида тадбиркорлар ва хорижлик инвесторлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги, тадбиркорлар билан ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни», «ягона ойна маркази» фаолияти хусусида маълумотлар берилди.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

## Эски бино ўрнида янги корхона

**Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Жойилма» маҳалласидан тадбиркор Амир Қулматов ҳудуддаги фойдаланилмаётган бинони қайта таъмирлаб, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этди.**

**Мухбиримиз.**

Айни пайтда корхонада сумка, қўлқоп, болалар пойабзали сингари ўттиз турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Натижада 10 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

Ушбу корхонанинг ишга туширилиши истиқлолимизнинг 23 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Масъулиятни ҳар ким, ҳар лаҳзада ҳис этади

< [1]

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида ана шу хонадонлар соҳиблари янги уйларга кўчиб кирди. Фермерлар, ўқитувчилар, шифокорлар, тадбиркорларнинг кайфияти кўтаринки. Чунки шаҳардаги каби қулай шароитлар яратилган бундай хонадонларда яшаш, очиғи, неча йиллик орзу эди-да.

Яна бир мисол. Маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш борасидаги дастурга кўра, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишбилармонлик қобилиятига эга кишиларга имтиёзли кредитлар ажратиш устуворлик касб этди. Кейинги икки йил ичида тадбиркорлар сони 23 нафарга кўпайди. Мисол учун, А.Тошматов ғишт ва оҳак цехларини ишга туширди. Н.Йўлдошеванинг шогирдлари тикаётган чойшаблар хорижга экспорт қилиняпти. Н.Исабоев очган цехда тикилаётган футболкаларга ҳам чет элда харидорлар бисёр.

М.Қосимов билан М.Исломов ишлаб чиқараётган маккажўхори қаламчалари водийлик болалар учун севимли егуликка айланди. Х.Йўлдошева атрофига 13 нафар чеварни тўплаб, эркаклар курткасини тикишни ўзлаштирган эди. Энди бу кийимнинг бозори чаққон.

Қишлоқда бўлганимизда яна бир тажриба эътиборимизни тортди. Исломободликлар томорқа хўжалигини ҳам илмий асосда ташкил этишибди. Ё.Аҳмедов, М.Жўрабоев, М.Каримов, асосан, Андижон шаҳри бозорлари учун қишда помидор ва бодринг етказиб беряпти. Б.Ҳасанов, И.Исабоев эса лимон кўчатлари етиштиради. Кўчатлар маҳаллий шароитга мослаштирилганлиги боис ривожланиш даражаси анча юқори.

Ҳудуддаги яна бир эътиборга молик жиҳат — ёшлар бандлиги. Бу йил ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежини 112 нафар йигит-қиз битирди. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан улардан 24 нафари учун имтиёзли кредит расмийлаштирилди. 8 нафари доимий иш билан таъминланди. 28 нафари маиший хизмат соҳасига йўналтирилди.

Ёш оилаларга иқтисодий ёрдам кўрсатилаётгани уларнинг тезда рўзғорларини бутлаб олишига имконият яратяпти. У.Ҳайдарова чорвачиликка қизиқар эди. Тегишли комиссия кўмагида унинг оиласига қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредит олиб берилди. Ана шундай оилалардан 9 тасига бепул парранда тарқатилди. Яна бешта ёш оилага молиявий кўмак ажратилди.

Маҳаллада ижро интизоми изчил йўлга қўйилган: фуқаролар йиғини кенгаши қарорларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Кредитларнинг қайтарилиши ҳам доимий эътиборда. Шу боис йиғин раисидан тортиб, маслаҳатчисигача, масъул котибдан тортиб «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардоригача — барча ўз зиммасига юкланган вазифаларни сидқидилдан бажаради.

Қаерда тартиб интизом ва меҳнатга муҳаббат бўлса, ўша жойда юрт тараққиёти, Ватан равнақи йўлида фидойилик бўлади. Биз буни «Исломобод» маҳалласидаги ибратли тажрибалар мисолида кўрдик.



ИШ БИЛГАНГА — БАЛЛИ!

# Оилавий меҳнатнинг роҳати ҳам ўзгача

**Сирдарё тумани «Малик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ҳайдаровлар хонадони эришаётган ютуқлари мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар самараси, десак муболаға бўлмайди.**

**Т. ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

Уй бекаси Меҳри Ҳайдарованинг ташаббуси билан 2011 йилда банкдан олинган 24 миллион сўм кредит эвазига паррандачилик цехи ишга туширилди. Натижада 4 нафар оила аъзосидан ташқари, маҳалланинг 10 нафарга яқин фуқароси ҳам меҳнатга жалб этилди. Тадбиркор фаолиятининг дастлабки йилида 15 мингта жўжа очирган бўлса, ўтган йили тумандаги хонадонларга 20 мингтадан зиёд полапон етказиб берди.

— Ҳудудимизда паррандачилик йўналиши яхши ривожлангани боис фаолиятимизни йилдан-йилга кенгайтириб боряпмиз, — дейди Меҳри Ҳайдарова. — Ўтган йили яна 2 та инкубация харид қилиб, иш суръатини икки бараварга оширдик. Зотдор жўжаларни харидорларга соғлом етказишда уларнинг парвариши алоҳида аҳамият касб этади. Паррандахонада мунтазам иссиқ ҳароратни сақлаб туриш, полапонларни керакли миқдорда озиқлантириш, санитария қоидаларига риоя қилиш кутилган натижани беради.

Туманда паррандачилик билан шуғулланаётганларнинг аксарияти мазкур инкубация цехи билан ҳамкорлик қилишади.

Оила бошлиғи Фарҳод Ҳайдаров бир неча йилдан буён томорқасидаги 10 сотихлик иссиқхонада аҳолига сифатли помидор етиштириб бермоқда. Бу ишларда унга фарзандлари Аббос ва Мадина кўмакдош.

Бундан ташқари, хонадон соҳиби боғбон сифатида ҳам кўпчиликка ибрат кўрсатмоқда. 60 туп гилос дарахти экилган мўъжазгина боғ оиланинг қўшимча даромад манбаи. Уларни парваришлаш, оқлаш, пайвандлаб, ишлов бериш — мўл ҳосил гарови. Боғбон ана шу ишларни ўз вақтида бажаргани боис мевалар пишиб етилмасиданоқ харидорлар кела бошлайди. Жорий йилда оила ҳар туп гилос дарахтидан 35-40 килограмм мева териб, 8 миллион сўмдан зиёд даромад кўрди.

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР



# Омилкорлик — ютуқлар асоси

< [1]

«Ерни боқсанг, ер сени боқади», деган нақл айни ҳақиқат. Ҳосилга ҳосил қўшиладиган август ойида хўжалигимизнинг заҳматкаш аъзолари пахта далаларида жавлон ураётир. Ҳусан Холиқов ва Хидир Юсупов каби механизаторлар техника хизматини оби-тобида адо этиб, ғўза қатор ораларини чуқур юмшатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Воҳид Наимов ва Хайрулла Шодмонов каби мироблар тунларни кунга улаб ниҳолларга обиҳаёт таратишяпти. Саратон жазирамасида қониб сув ичган экинларда бўлиқ кўсаклар пайдо бўлиб, эртанги хирмонга замин ҳозирланмоқда. Ҳосил шоналарини кўпайтиришда ўсимликни вақтида чилпишнинг аҳамияти катта. Айни кунларда хўжалигимизда ушбу муҳим агротехник тадбирни ниҳоясига етказяпмиз. Ўз вақтида амалга оширилган чилпиш гектар ҳисобига 5 центнердан қўшимча ҳосил олиш имконини беради.

Айни пайтда қизим Наргиза Маманова раҳбарлигида фаолият юритаётган «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги аъзолари ҳам жорий йилги пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишга қарор қилишган. Яқинда ўтказилган «Энг ёш фермер» республика танловида 3-ўринга муносиб топилган Наргиза ўзига билдирилган ишончни оқлаш илинжида туну кун даладан бери келмай ғўза парвариши билан банд.

Хўжалигимизда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар ҳам бор. Улар ҳосилга барака киритиш учун чин дилдан интилишаётир. Бу йилги ғалла ҳосилидан ҳар бир ишчимизга 3,5 тоннадан буғдой бердик. Қолаверса, хўжалик аъзолари учун бир гектардан ер ажратилган, улар бу ерларга такрорий экинлар — сабзи, ловия, помидор экишмоқда. Ҳар йили ердан 45-50 тоннагача сабзавот оламиз. Тўю маъракаларга ҳам фермер хўжалигимиз ҳисобидан кўмаклашамиз. Ўтган йили қишлоғимиздаги «Маданият» ҚВПни ўн беш миллион сўм сарфлаб, капитал таъмирлаб бердик. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатяпмиз. Ёрдамимиздан уларнинг кўнгли кўтарилса, биз учун катта бахт.

Насиб этса, пахта хирмонини юксалтириб, белгиланган режани ортиғи билан адо этсак, қишлоғимизда маиший хизмат уйи мажмуаси қуриб, унда ёшларни иш билан таъминлашни ният қилганмиз. Қолаверса, хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириб, чорвачиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Банк кўмаги ҳар жиҳатдан таянч бўлмоқда

**Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида молия муассасаларининг ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда уларнинг кўмаги билан жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари яратилаётир.**

**З. ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**




«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали ҳам ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланган. Банк томонидан тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, сервис соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналар, ўз бизнесини ташкил қилган ёш оилалар, коллеж битирувчилари ҳамда фермер хўжаликларини молиявий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва улар фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида жами 1852 та тадбиркорлик субъектига 38 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилди.

Мазкур кредитлар ҳисобидан саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, сервис хизмати каби иқтисодий тармоқлар ривожлантирилиб, жойларда 1645 та янги иш ўрни яратилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда кенг имкониятлар эшигини очди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 12 млрд. сўмни ташкил этди. Пировардида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимизда ёшларнинг иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим масалалардан. Буни яхши англаган мазкур молия муассасаси Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш ва шу орқали улар бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Бу эса ёшларнинг меҳнатга иштиёқини, ўз мол-мулкига эгалик ҳиссини юксалтираётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида касб-ҳунар коллежи битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2,4 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 253 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ жорий йилнинг охирига қадар ана шундай тадбиркорлик субъектлари учун 62,5 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтириш режалаштирилган.

**Дилором УМРЗОҚОВА,**
***«Мунис Савдо Плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:***

— Ҳозирги пайтда банклар томонидан тадбиркорлик субъектлари учун кўрсатилаётган молиявий кўмаклар фаолиятимизни бошлашда айни муддао бўлмоқда. Бозор талабларини пухта ўрганиб тузган бизнес-режамизни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Паркент тумани филиалига мурожаат қилдик. Қисқа муддатларда кўриб чиқилган аризамиз ижобий ҳал этилиб, банк томонидан имтиёзли шартларда 90 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада ёғочни қайта ишлаш корхонасини барпо этиб, 4 нафар фуқарони меҳнатга жалб қилдик.

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг сифатли хизматларидан мамнунмиз.

**Каримқул НУРМАТОВ,**
***«Мунаввар Райимберди» фермер хўжалиги раҳбари:***

— Юртбошимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли фермерлар ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Жумладан, пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигимиз ҳам туманимиздаги илғор хўжаликлардан саналади. Ҳар йили белгиланган режани биринчилар қаторида бажариб, ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз. Ушбу муваффақиятларга эришишда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Бекобод тумани филиалининг ҳиссаси беқиёс. Мазкур молия муассасаси томонидан ажратилаётган кредит маблағлари хўжалигимиз ерларининг мелиоратив ҳолатини изчил яхшилаб, зарур техника воситалари, ёнилғи-мойлаш ва минерал ўғитларни харид қилишда қўл келмоқда. Банк жамоасининг замон талабларига мос равишда амалга ошираётган молиявий хизматидан миннатдормиз. Келгусида ҳам банкнинг кўмагига таянамиз.